

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**95 Вилоятлар марказларида ва шаҳарлардаги ташқи  
ёритиш тизимларини модернизация қилишга доир  
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифimini қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2015 йил 5 майдаги ПҚ–2343-сон қарорини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Энергияни тежовчи лампаларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 20 октябрдаги 299-сон қарорини бажариш юзасидан, Тошкент шаҳрида, вилоятлар марказлари ва республика шаҳарларида кўчаларни электр билан ёритиш схемаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари комплексининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республикада диодли ёритиш технологиялари негизда ташқи ёритиш учун энергияни тежайдиган замонавий ёритиш приборларини ишлаб чиқариш бўйича мукамал ишлаб чиқариш базаси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, халқаро стандартларга жавоб берадиган акс этган ёруғлик технологиясидан фойдаланган ҳолда Тошкент шаҳрида, вилоятлар марказлари ва шаҳарларда ташқи ёритиш тизимлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда, бир ой муддатда 2.01.05.98 «Табий, сунъий ёритиш» КМКнинг сифатли қайта кўриб чиқилиши ва янгиланишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган 2016 — 2019 йилларда диодли ёритиш технологиялари негизда Тошкент шаҳрида, вилоятлар марказлари ва шаҳарларда ташқи ёритиш тизимларини модернизация қилиш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

4. Қуйидагилар:

вилоятлар марказлари ва шаҳарлардаги кўчалар бўйича — Нукус шаҳрининг, вилоятлар марказлари ва шаҳарларнинг ободонлаштириш бошқармалари; умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари бўйича — «Ўзавтойўл» акциядорлик компанияси Дастурни бажариш ишларининг буюртмачилари этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоким-

\* 1-илова берилмайди.

ликларининг диодли ёритиш технологиялари негизда ташқи ёритиш приборларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ўртасида, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан, «фойдаланишга тайёр» шартларида, мақбул нархларни ҳисобга олган ҳолда Дастур доирасида ташқи ёритиш тизимларини етказиб бериш ва ўрнатиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаб олиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Диодли ёритиш технологиялари негизда ташқи ёритиш учун ёритиш приборларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ўртасида «фойдаланишга тайёр» шартларида ташқи ёритиш тизимларини етказиб бериш ва ўрнатиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш бўйича Комиссия таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия (Б.И. Закиров) икки ой муддатда диодли ёритиш технологиялари негизда ташқи ёритиш учун ёритиш приборларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ўртасида энг яхши таклифларни танлаб олишнинг белгиланган муддатда ўтказилишини таъминласин ҳамда мақбул нархларни ҳисобга олган ҳолда, кечки ва тунги вақтларда улаш ва ўчириш режимига мувофиқ ёритишнинг тартибга солинишини назарда тутиб, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ «фойдаланишга тайёр» шартларида ташқи ёритиш тизимларини етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича ғолибни аниқласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда «Ўзавтойўл» акциядорлик компанияси энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби билан биргаликда:

бир ой муддатда ташқи ёритиш объектларини хатловдан ўтказсинлар ва натижалари бўйича уларнинг баланс бўйича тегишлилигига кўра фойдаланиш бўйича масъуллиққа мувофиқлигини таъминласинлар, шаҳарлар кўчаларининг ташқи ёритиш объектларини Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва шаҳарларнинг ободонлаштириш бошқармаларига, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг ташқи ёритиш объектларини — «Ўзавтойўл» акциядорлик компаниясига берсинлар;

кўчаларнинг ва автомобиль йўлларининг сифатли ёритилишини, шунингдек энергиянинг тежалишини таъминлаш мақсадида ташқи ёритиш тармоқларини фойдаланиш учун техник жиҳатдан ташқи ёритиш қурилмаларидан фойдаланиш талаблари ва қоидаларига мувофиқ ҳолатга келтириш тадбирлари комплексини амалга оширсинлар;

хатлов натижаларига кўра икки ой муддатда Тошкент шаҳридаги, вилоятлар марказлари ва шаҳарлардаги ташқи ёритиш тизимларини модернизация қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласинлар;

лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси натижаларига кўра ташқи ёритиш тизимларини модернизация қилиш бўйича манзилли рўйхатларни ва тармоқ жадвалларини тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

---

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси ўтказилишини таъминласин ҳамда Тошкент шаҳридаги, вилоятлар марказлари ва шаҳарлардаги ташқи ёритиш тизимларини модернизация қилиш ишларини бажариш сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

9. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2016 йилда — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари маблағлари, шу жумладан йил бошидаги маблағларнинг бўш қолдиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг ва вилоятларнинг вилоят бюджетларининг даромадлари прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари;

2017 — 2019 йилларда — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари параметрларида назарда тутилмаган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари.

Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 1-иловага мувофиқ Дастурни бажариш учун маблағларни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон қарори билан маъқулланган 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастурини амалга ошириш доирасида республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва диодли ёритиш приборлари ишлаб чиқариш учун четдан келтириладиган божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинадиган асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар рўйхати 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 октябрдаги 502-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 101-модда) билан тасдиқланган Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган фойдаланишга топшириладиган объектларнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-бандининг «а» кичик бандидаги «ховли ва мавзе ичидаги» сўзлари «ташқи» сўзи билан алмаштирилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 4 март,  
68-сон

\* 3-илова рус тилидаги матнда берилган.